

2022 йил " 12 " маюн

Андижон шахри

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиклик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжиниинг компанияси” ДУК Андижон вилояти худудий филиали раҳбари А.Мирзабоев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Тўғон таъмири” МЧЖ номидан Низом асосида дирекори Р.Рахимов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Тарифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

“ижро хужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиковчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилаб берилади.

“вактинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган хар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг хар бир боскичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган холда шартнома бўйича обьектни умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик шартнома бўйича “Андижон шахар Истиқлол МФЙ Бобуршох қўчаси 86 ва Ўзбегим МФЙ Машраб қўчаси 24-йиларни фасад килемини таъмирлаш ишлари” обьектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган холда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар киймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг карори (2022 йил лот раками “42585” электрон баёниомаси) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда ККС билан 169 616,449 (бир юз олтмиш тўккиз миллион олти юз олти минг тўрт юз кирк тўккиз) сўмни ташкил этади.

курилиш киймати ва кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажкор) холати сабаб бўлганда;

ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

б Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “I” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- курилиш таваккалчилигини сугурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини қўриклинишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект қурилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш,

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

Ишларнинг бошланиши 2022 йил 14 март, тутатилиши 2022 йил 31 декабр.

Пудрат шартномаси амал килиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилингандан шартнома конун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади

12. Танлов натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 куни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўtkазади, бу 50 884,9347 (эллик миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўkkiz юз ўттиз тўрт) сўм етти тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг колган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибида кабул килингандан кейин икки боскичда;

объект кабул комиссияси томонидан кабул килинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар кийматининг камида 45 фоиз молиялаштириш амалга оширилади;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан кейин - ишлар кийматининг 5 фоиз молиялаштириш амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 25 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибида Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибида бекор килиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибида жавоб беради

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни

боглаш (привязка) килиш учун Пудратчи геодезия нұқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг түгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги түгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларида, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар ёпилган ишлар далолатномасида Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик ёпилган ишлар далолатномасининг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларида жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисбланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтариши юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчишиг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини кўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга қадар четлари тўйсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект кабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан 5 (беш) кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари ҳамда курилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф килинишини;

- объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган холда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бирин шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида,

бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштируммаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этилмайди.

60. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва кондаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у холда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул килиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида Пудратчидан жарима ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Андикон туманлараро иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкири, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгаририш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан бўлса ҳақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришилар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккى нусхада тузилади.

72. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БУЮРТМАЧИ”

Номи: “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирилаш хамда иссиқлик таъминоти обьектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Андижон вилояти худудий филиали Андижон шаҳар, Ломоносов кўчаси 2-ый Ш/Х 400121860034017069902110001

ИНН : 307 905 093
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Фазначилиги

Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент
Х/Р 23402000300100000110

МФО: 00014

ИНН : 201122919


Индекс: 170132

Бошлиқ:  А.Мирзабоев

Хукукшунос: _____

YURIDIK XULOSA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI "XO'JALIK YURITUVCHI
SUYEKTALAR FAOLIYATINING SHARTNOMAVIY HUQUQIY
BAZASI" TO'G'RI SIDAGI QONUNNING 21-MODDASIGA
BIRDAN USHBU SHARTNOMA HUQUQIT EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI.
MAZKUR SHARTNOMA AMALDAGI QONUNCHILIK
HUJJATLARI TALABLANGA MUVOFIO TUZILGAN.

YURIST:  20 yil

“ПУДРАТЧИ”

Номи: “Тўғон таъмир” МЧЖ

Манзили: Хонобод шахри А.Фтират кўчаси 26-уй

Банк номи: “Турон банк” Андижон филиали

Х/Р: 20208000904515340004


МФО: 01171

ИНН: 206616529

ОКНХ: 41202

Тел: 99 648 53 13

Индекс:

Рахбар:  Р.Рахимов

